



## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

*Йўлдошев Бекмурод,*

*Самарқанд давлат университети профессори*

*Калим сўзлар: буржуа фани, марксистик методологияга ёт фан, компонент, формал-функционал, антропоцентрик талқин.*

Республикамизнинг мустақилликка эришганига бу йил чорак аср тўлади. Бу тарих учун қисқа муддат бўлса-да, аммо ана шу даврда мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида жуда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Собиқ шўролар тузуми 70 йил давомида миллатларни ягона социалистик миллатга бирлаштиришдек бемаъни сиёсатни юритгани учун миллий кадриятларимиз, маънавий анъаналаримиз унутилар даражага келиб қолган эди. Мустақиллик йилларига келиб аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросимизни оммалаштириш, уларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини белгилаш имконияти вужудга келди. Бу ўринда Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдуҳолик Ғиждувоний, Имом ал Бухорий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби буюк алломаларнинг бой илмий ва бадиий меросини ўрганиш соҳасида амалга оширилган салмоқли бунёдкорлик ишларини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Бу даврга келиб асрлар давомида онгимизда сингиб қолган мутелик, қарамлик психологияси ўрнини аста-секинлик билан эркинлик, ижодкорлик, фидойлик психологияси эгаллай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил, суверен давлат сифатида БМТ аъзолигига қабул қилинди, ҳозирги кунга келиб 160 дан ортиқ мамлакатлар билан

Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатган. Ана шунга ўхшаш ютуқларнинг барчаси мамлакатимизнинг муқаддас тимсоли бўлган миллий тилимизнинг ҳам дунё бўйлаб катта обрў-эътибор топишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Ана шундай шароитда давлат тили бўлган ўзбек тилининг ички лексик-грамматик тузилиши, тарихий тараққиёт босқичларини ўрганувчи тилшунослик фани ҳам тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш...” [1] чора-тадбирларини кўришимиз лозим бўлади.

Мустақиллик йилларига келиб собиқ шўролар даврида ҳукмрон бўлган рус тилшунослиги андозалари асосида тилимизнинг фонетик, грамматик ва луғавий тизимини ўрганишдек зарарли анъанадан воз кечилди. XX асрда ягона фан методологиясига айланиб улгурган



марксистик таълимот занжиридан халос бўлиш ва оламни, тиллар тизимини илмий билишда энг яхши фалсафий таълимотлардан эркин фойдаланиш имкониятининг вужудга келганлиги мамлакатимиз тилшунослигининг илмий-назарий асосларини янада мустаҳкамлашга олиб келди [2]. Натижада собиқ шўролар даврида “буржуа фани”, “марксистик методологияга ёт фан” деб эълон қилинган структур-системавий тилшунослик ва унинг тил бирликларини текшириш методлари мустақиллик шарофати билан ўзбек тилшунослиги доирасида кенг миқёсда қўлланиладиган бўлди [3].

Ўзбек тилшунослигида умумий ва хусусий илмий тадқиқот методологияси ҳамда методларини чуқур ўрганиш, ёш тадқиқотчилар онгига уларни сингдиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ўринда таниқли файласуф олима, проф. Н.Шермухамедованинг “Фанларнинг фалсафий масалалари” (Тошкент, “Университет”, 2005), Т.Бушуй, Ш.Сафаровларнинг “Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси” (Тошкент, “Фан”, 2007), проф. А.Нурмоновнинг “Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари” (Тошкент, “Академнашр”, 2012), Ш.Сафаровнинг “Тил назарияси ва лингвометодология” (2015) каби салмоқли илмий изланишлари эълон қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Агар истиқлолга эришилгунга қадар ўзбек тилшунослиги асосан ўзбек тилининг фонетик ва грамматик тузилишини оддий тавсифий асосда ўрганиш билан шуғулланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб ўзбек тили материаллари негизида умумназарий тилшунослик муаммоларини ҳал қилишга, тилшунослик назарияси ва лингвистик таълимотлар тарихи масалаларини ёритишга эътибор қаратиладиган бўлди. Бу даврга келиб А.Абдуазизов, Р.Расулов, Н.Турниёзов, Б.Ўринбоев, М.Ирискулов, А.Нурмонов, Ш.Искандарова каби олимларнинг тилшунослик назариясига

бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалари, шунингдек А.Нурмонов, Б.Ўринбоев, Х.Жабборов каби олимларнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи”га оид асарлари майдонга келди. Фақат истиқлол туфайли ўзбек тилшунослиги ўзининг узоқ тарихга эга эканлигини, ўзбек тилшунослари айрим Европанинг донгдор тилшуносларидан анча олдин қиёсий-тарихий тилшунослик, контрастив лингвистика, идеографик луғатлар яратиш каби бир қатор йўналишларга асос солганликлари, лексемалар мазмуний мундарижасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритиш анъанага айланган ҳозирги шароитда бу усул XV асрлардаёқ ўзбек тилшунослари томонидан кенг қўлланилганлигини ёритиш ва илмий жамоатчиликка етказиш имконияти вужудга келди [4].

Энг муҳими, истиқлол даврида ўзбек тилшунослигида олимлар орасида методологик яқка ҳокимликдан методологик плюрализм (хилма-хил ёндашув анъанаси)га ўтиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Натижада бир объектга турли томондан ёндашувлар, шу асосда бир тил соҳасига оид турлича қарашлар майдонга кела бошлади. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек тилшунослигида анъанавий, структур-семантик (формал-семантик), формал-функционал сингари илмий йўналишлар эркин фаолият кўрсатиши учун етарли шароит вужудга келди. Ана шунинг учун бу илмий йўналиш вакиллари ўртасида баҳс-мунозаралар кучайди. Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Ё.Тожиев, Ш.Сафаров, Б.Ўринбоев, И.Мирзаев сингари таниқли ўзбек тилшунослари бу баҳс-мунозараларнинг фаол иштирокчисига айланиб қолдилар. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчилар диққат-эътиборини кўпроқ тилшуносликнинг назарий масалаларига жалб этишга сабабчи бўлди.

Истиқлолгача тилшуносликнинг назарий масалалари асосан рус



тилшунослари томонидан ўрганилар эди, иттифоқдош мамлакатлардаги тилшунослар эса уларга эргашиш, уларнинг илмий қарашларини конкрет миллий тилларга татбиқ этиш билан шуғулланиб келганлар. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек тилшунослари назарий муаммоларни ҳал этишга дадил киришдилар. Жумладан, тилнинг системалик характери, структураси, фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап қурилмалари, матн каби тилнинг асосий қурилиш бирликлари билан боғлиқ мунозарали масалаларни ҳал этиш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилди. Бу ўринда академик А.Ҳожиёвнинг ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига доир йигирмага яқин илмий мақолаларини, шу асосда вужудга келган йирик монографик тадқиқотини эслашнинг ўзи кифоя [5]. Ёки биргина сўз бирикмалари синтаксисининг назарий муаммоларига доир иккита илмий тадқиқот майдонга келганлигини алоҳида таъкидлаш лозим: А.Мадаминовнинг “Сўз бирикмалари синтаксисининг назарий масалалари” (2013), С.Назарованин “Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда” (2015) номли тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Истиклол даврида мамлакатимизга структур тилшунослик анъаналари кириб кела бошлади. Бу эса ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ этишга катта имкониятлар яратиб берди. Машҳур тилшунос олим Ф. де Соссюр томонидан яратилган тил-нутқ дихотомияси (зидланиши) назарияси асосида ўзбек тилининг барча сатҳларида имконият, моҳият сифатида мавжуд бўлган тил бирликларининг нутқий жараёнда бевосита моддийлашуви ўртасидаги муносабатни ўрганишга жиддий эътибор бериладиган бўлди.

Маълумки, ҳеч бир тилни “тил эгаси” бўлган шахсдан ажратган ҳолда тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Негаки ҳар бир нутқий мулоқот жараёнида сўзловчи шахснинг интилиши, воқеликка

муносабати, тил бирликларидан фойдаланиш малакаси сезилиб туради. Ана шу муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳолда тилшуносликда антропололингвистика йўналиши вужудга келди. Шунга кўра антропололингвистиканин шаклланиши жаҳон тилшунослари томонидан тилшуносликнинг янги даври деб баҳоланмоқда. Антропололингвистика тилнинг ички тузилишини сўзловчи ва тингловчи шахс билан боғлаб ўрганувчи лингвистик семантика, прагмалингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика каби бир қатор йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида антропололингвистика соҳасида ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилганлиги эътиборга молик. Бу ўринда акад. А.Ҳожиёв, проф. М.Миртожиев, проф. Н.Маҳмудов каби олимларнинг лингвистик семантика, М.Ҳакимов, Ш.Сафаровларнинг прагмалингвистика ва когнитив лингвистика соҳалари бўйича олиб борган қизиқарли тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, проф. А.Нурмонов ва доц. А.Раҳимовнинг “Лингвосинергетикага кириш” (2013), проф.Ш.Сафаровнинг “Когнитив тилшунослик” (2006), “Прагмалингвистика” (2008), “Семантика” (2013), “Тил назарияси ва лингвометодология” (2015), проф. М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” (2010), “Ўзбек тили фонетикаси” (2013), проф. Э.Бегматовнинг “Ўзбек тили антропонимикаси” (2013), проф. М.Ҳакимовнинг “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” (2013), проф. Н.Ҳусановнинг “Ўзбек антропонимлари тарихи” (2014) номли йирик монографик тадқиқотлари ўзбек тилшунослигининг мустақиллик йилларидаги катта ютуғи бўлди.

Шу билан бирга мустақиллик йилларида ўзбек тилининг турли сатҳларини шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда



ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Ҳ.Жамолхоновнинг “Ўзбек тилининг назарий фонетикаси” (2009), А.Абдуазизовнинг “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси” (2010) каби салмоқли асарлари, Э.Бегматов, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ҳ.Шамсутдинов, Ҳ.Дадабоев, Ш.Искандарова, А.Собировларнинг лексикологияга, А.Ҳожиев, Ш.Шаҳобиддинова, Ж.Элтазаровларнинг морфологияга, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, М.Курбонова, Д.Лутфуллаевларнинг ўзбек тили синтаксисига бағишланган асарлари ўзбек тилшунослигини мустақиллик йилларида янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигининг эришган катта ютуқларидан бири проф. Ш.Раҳматуллаевнинг уч китобдан иборат “Ўзбек тили этимологик луғати” (2000, 2003, 2009)нинг яратилиши бўлди. Шу билан бирга беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006-2008)нинг майдонга келиши бугунги ўзбек тили лексикасининг ойнаси саналади [6]. Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида жаҳонга юз тутиши, ёшларимизда ҳорижий тилларни ўрганишга эҳтиёжнинг кучайиши жуда кўплаб икки ва уч тилли таржима луғатларининг яратилишига сабабчи бўлди. Шунингдек, мустақиллик йилларида ўзбек лексикографияси “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати” (2001), “Қашқадарё кишлоқномаси” (2009), “Чирокчинома” (2010), “Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати” (2011), “Маънавиятдан ўзбекча-русча-инглизча-французча-арабча луғат” (2012), “Зоминнинг тил қомуси” (2012), “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” (2013), “Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати” (2014), “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” (2015) каби янги типдаги лексикографик манбалар ҳисобига бойиди. Кирилл ва латин алифбосида 85

мингдан ортиқ сўзнинг имловий меъёрлари ўз аксини топган “Ўзбек тилининг имло луғати” (2013-2014) нашр этилди.

Тилшунослик ютуқларини ва тилимиз имкониятларини содда ва ширали тил билан оммага таништиришга қаратилган лингвопублицистика йўналишининг шаклланиши ва тараққиёти ҳам мустақиллик даврининг катта ютуғи саналади. Бу йўналишнинг ривожига акад. А.Рустамовнинг “Сўз хусусида сўз” (1987, 2010), проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўзимиз ва сўзимиз” (1997), “Маърифат манзиллари” (1999), “Тил” (2001), “Тилимизнинг тилла сандиғи” (2012), П.Қодировнинг “Тил ва эл” (2005, 2010), А.Аъзамнинг “Тил номуси” (2013), Э.Воҳидовнинг “Сўз латофати” (2014) каби асарлари алоҳида ўрин тутади.

Тил фақат кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлибгина қолмай, уларнинг олам ҳақидаги билимларини келажак авлодга етказувчи муҳим қурол саналади. Мустақиллик йилларида тил воситаларидан нутқ жараёнида ўринли фойдаланиш, нутқ маданияти муаммоларига бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди. Шулар орасида проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўқитувчи нутқи маданияти” номли асари алоҳида ўрин тутади. Бу асарда муаллиф нутқ маданиятига лисоний фаолиятнинг таркибий қисми сифатида ёндашиб, ёшларда тил завқи, назокатли сўз сезгиси, сўздан ҳузурланиш ҳиссини шакллантиришга интилади [7].

Маълумки, лингвистика ва поэтика узвий алоқада, бир томирдан ўсиб чиққан икки шохчадек бадий матн таҳлили билан шуғулланади. Мустақиллик йилларида бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили соҳасида проф. И.Мирзаев, М.Йўлдошев, М.Ёқуббекова, Г.Муҳаммаджонова, Д.Неъматова, Л.Жалолова, А.Ҳасанов сингари бир қатор тадқиқотчилар самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса М.Йўлдошевнинг “Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари” (2007),



“Бадий матн лингвопоэтикаси” (2008), “Бадий матннинг лисоний таҳлили” (2009), С.Боймирзаеванинг “Бадий матн ва қўшма гап” (2008), “Матн мазмунида темпораллик семантикаси” (2009), “Матн модаллиги” (2010), Б.Йўлдошевнинг “Бадий асар тили масалалари” (2016) каби монографик тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан чуқурлиги, мантиқий изчиллиги, назарий фикрларнинг амалиёт билан уйғун эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Д.Худойберганованинг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” номли монографияси (2013) ва шу асосда ҳимоя қилинган “Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини” мавзусидаги докторлик диссертацияси (2015) ўзбек тилшунослигида матн тилшунослиги муаммоларининг янада чуқур тадқиқ этишни бошлаб берди. Худди шунингдек, А.Мамажонов ва М.Абдупаттоевнинг “Матн назарияси” номли асари (2016) матн типларининг услубий-семантик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг 70 йили давомида рус тилини “ягона умумхалқ тили”га айлантириш сиёсати бошқа халқларнинг тиллари, жумладан ўзбек тилини эркин ривожлантириш, бу тилнинг илмий, расмий-идоравий услубларининг ривожига салбий таъсир этди. Чунки собиқ иттифокда фундаментал тадқиқотлар асосан рус тилида олиб борилар, барча бошқарув ва хўжалик идораларининг ҳужжатлари рус тилида юритилар эди. Натижада XX асрнинг 50-80-йилларида ўзбек тилининг илмий ва расмий услуби биров ночор аҳволга тушиб қолди.

Мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши (1989) ва истиқлолдан сўнг унинг янги таҳрири корхона ва муассасаларда давлат тилида иш юритишни Қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 19-моддасида “Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари

мухрлари, тамғалари, иш қоғозларининг матнлари давлат тилида бўлади”, - деб белгилаб қўйилган.

Лекин узоқ йиллар ҳужжат ишлари асосан рус тилида юритилгани сабабли кўпчилик ўзбекча ҳужжат юритишни унутган эди. Ана шундай пайтда ўзбек тилида иш юритишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга кучли зарурат пайдо бўлди. Мустақиллик берган ана шу имконият туфайлигина ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи марта М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов ва Н.Маҳмудовлар томонидан “Иш юритиш” асари яратилган эди. Шу кунгача тўрт марта қайта тўлдирилган ҳолда нашр қилинган бу асар ҳозирги вақтда ҳар бир корхона ва муассасанинг ҳужжатлар юритиш бўйича дастуриламалига айланди; ўзбек тили расмий иш юритиш услубининг меъёрлашишига асос бўлиб хизмат қилди [8].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида компьютер лингвистикаси соҳасининг шаклланишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Кейинги йилларда компьютер лингвистикасига бағишланган А.Пўлатов, Б.Йўлдошев, А.Раҳимов каби олимларнинг асарлари нашр қилинди [9]. Бу эса ўзбек тилшунослигини янги йўналиш билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос тилшунос кадрлар тайёрлаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу даврда ҳорижий тилларда бемалол мулоқот қила оладиган, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида эришилган фан ютуқларидан шу мамлакат тили орқали эркин фойдалана оладиган, ўзбек фанини дунёга танита оладиган ёш, келажаги ғоят порлоқ илмий тадқиқотчилар етишиб чиқди. Масалан, филология фанлари доктори Ж.Элтазаров Германия, Франция, Япония, Корея, Туркия сингари мамлакатларнинг университетларида



профессор лавозимида ишлаб, олтойшунослик муаммоларидан маърузалар ўқиди, шу асосда мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги эришган ютуқларни дунёга танитмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мустақилликнинг кўлга киритилиши билан мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилди. Юртбошимиз И.А.Каримов мустабид тузумдан қолган дарслик ва кўлланмаларнинг таълим тизими олдига қўйилаётган талабларга жавоб бермаслигини таъкидлаган ҳолда, республикаимиз олимлари олдига замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги дарслик ва ўқув кўлланмалари яратишни энг муҳим вазифа қилиб қўйган эди [10]. Ана шундан келиб чиқиб мамлакатимизда “Она тили”дан таълимнинг барча бўғинлари учун бир неча вариантда дарсликлар яратилди. Бундай дарсликлар танловида Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан 5-, 6-, 7-, 9-синфлар учун ёзилган “Она тили” дарсликлари, М.Қодиров раҳбарлигида ёзилган 8-синф учун “Она тили” дарслиги, А.Нурмонов раҳбарлигида академик лицейлар учун ёзилган уч жилдлик “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги, А.Рафиев етакчилигида касб-хунар коллежлари учун ёзилган “Ўзбек тили ва адабиёти” дарслиги ғолиб деб топилди ҳамда шу кунгача бир неча марта нашр этилди. Шу билан бирга мамлакатимизда турли хил ўқув луғатларининг ўндан ортиқ тури нашр этилиб, улар ўқув жараёнига кенг татбиқ этилмоқда [11]. Мактаб ўқувчилари учун “Она тили” деб номланган қомусий

луғатнинг нашр этилиши ҳам ўзбек лингводидактикасида муҳим воқеа бўлди [12]. Олий таълимнинг филология факультетлари учун эса Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиевлар, шунингдек Р.Сайфуллаева етакчилигида муаллифлар жамоаси томонидан бир неча вариантда “Ҳозирги адабий ўзбек тили” (2006; 2010), “Ҳозирги ўзбек тили” (2007), “Замонавий ўзбек тили” (Морфология, 2008; Синтаксис, 2010) каби дарсликлар яратилди.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослиги сўнгги йигирма беш йил ичида ўзбек тилининг барча сатҳ бирликларини шу тилнинг ўз ички хусусиятларини эътиборга олган ҳолда илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш соҳасида салмоқли ютуқларни кўлга киритди. Шўролар даврида анча оқсоқланиб қолган расмий ва илмий услубларни меъёрлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Эндиги вазифа ўзбек тилининг маҳаллий шевалари лингвоареал атласини яратиш, олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини эътиборга олган, илмий-услубий жиҳатдан дарслик талабларига тўла жавоб берувчи, истиқлол руҳини ўзида акс эттирувчи, ҳамма учун мақбул келадиган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигини яратиш, фонопоэтика, морфопоэтика, синтаксемпоэтика сингари масалалар билан жиддий шуғулланишдир. Ўйлаймизки, ўзбек тилшунослари бундай вазифаларни ҳам оғишмай амалга оширадилар ҳамда мамлакатимизда истиқлол туфайли юритилаётган эркин тил сиёсатининг чинакам тарғиботчиларига айланадилар.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 87-бет.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи // Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1999. 14-бет.
3. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. 12-17-бетлар.



4. Бу ҳақда қаранг: Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент: “Таълим” нашриёти, 2009. 133-140-бетлар.
5. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 7-155-бетлар; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи // Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лингвистик таълимотлар тарихи. – Тошкент: Академ нашр, 2012. 226-439-бетлар.
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.
7. Бу луғатлар ҳақида қаранг: Султонмурод Олим. Ҳазина // “Маърифат” газетаси, 2008 йил 15 октябрь; Мадвалиёв А. Ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи // Ўзбек тилшунослиги XXI асрда (республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Қарши: ҚаршиДУ нашри, 2008. 75-78-бетлар; Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. 37-42-бетлар ва бошқалар.
8. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 7-183-бетлар.
9. Аминов М., Мадвалиёв А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2012. – 448 б.
10. Рахимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 160 б; Пўлатов А.Қ. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 520 б; Йўлдошев Б. Компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 124 б. ва бошқалар.
11. Бундай луғатлар ҳақида қаранг: Сайфуллаева Р., Эрназаров Т. Ўқув луғатлари яратиш – долзарб вазифа // Тил ва адабиёт таълими, 2007. № 4. – Б. 4-6; Йўлдошев Б. Ўзбек лингводидактикаси таракқиетида ўқув лексикографиясининг ўрни масаласига доир // НавоийДПИ ахборотномаси, 2015, 1-сон. – Б. 67-73.
12. Она тили (мактаб ўқувчилари учун). Қомус. Тузувчилар: Б.Менглиев, Ў.Холиёров, Х.Қодирова. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. – 268 б.

*Йўлдошев Б. О развитии узбекского языкознания в годы независимости. В данной статье изучены основные этапы развития узбекского языкознания в годы независимости Узбекистана (1991-2016 гг.).*

*Yuldashev B. Development of Uzbek linguistics during the period of Independence. In this article main stages of the development of Uzbek linguistics during the period of Independence are described.*